

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.A.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВА САРВИНОЗ ҒАФУР ҚИЗИ

**МАҚБАРАЛАР МЕЪМОРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК
ЕЧИМЛАРИ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on architecture**

Жураева Сарвиноз Гафур қизи

Мақбаралар меъморлиги ва уларнинг типологик ечимлари 3

Жураева Сарвиноз Гафур қизи

Архитектура мавзолеев и их типологические решения..... 23

Jurayeva Sarvinoz G`afur qizi

Architecture of mausoleums and their typological solutions..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВА САРВИНОЗ ҒАФУР ҚИЗИ

**МАҚБАРАЛАР МЕЪМОРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК
ЕЧИМЛАРИ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/A82 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматмусаев Тохир Шайдулович
архитектура фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Уралов Ахтам Синдарович
архитектура фанлари доктори, профессор
Гилманова Нафиса Валиахмедовна
архитектура фанлари номзоди, доцент

Yetakchi tashkilot:

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси 9-уй. Тел.: +99895 142-35-85, web: www.taqu.uz; e-mail: devon@taqu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси 9-уй. Тел.: +99855 508-02-89).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

В.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.С. Рейимбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, арх.ф.д., доцент

М.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертасияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ҳамда улардан туризм мақсадида фойдаланиш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. БМТ, ЮНЕСКО, ИКОМОС каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир “Бутун жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972); Тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартияси, 1987); Обидаларни, иншоотлар гуруҳини ва диққатга сазовор жойларни рўйхатга олишнинг асосий қонун-қоидалари (1996); Таҳлил қилиш, консервация ва меъморий меросларнинг тузилишини қайта тиклашнинг асосий қонун-қоидалари (2003); Маданий мерос ҳисобланган - тузилма, объект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Циан декларацияси (2005)” каби халқаро ҳужжатлар бу соҳада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада тарихий шаҳарлар мавқеини сақлаб қолиш, уларнинг тузилишини сақлаш, муҳофаза зоналарини яратиш, самарадор туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, шунингдек меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дунёда мақбаралар меъморлиги, уларнинг типологик ечимлари, тарихий объектларни замонавий архитектура билан уйғунлигини таъминлаш борасида бир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бунда тарихий шаҳарлар, маҳаллаларни реконструкция қилиш, ёдгорликларнинг типологик ечимларини очиб бериш, объектларнинг график реконструкциясини бажариш, қадимги шаҳарларнинг тарихий кўринишини сақлаш, мавжуд туристик маршрутларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этган ҳолда янги туристик маршрут йўналишларини ишлаб чиқиш кабилар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда охириги йилларда тарихий ҳудудларнинг туризм инфраструктурасини ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиб, тарихий шаҳар ҳудудларни замонавий объектлардан ҳоли қилиш, меъморий объектларни таъмирлаш ва сақлаш юзасидан қатор ислохотлар олиб борилмоқда. “...Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат”¹. Бу борада мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар ва меъморий объектларни илмий асосда тадқиқ этиш ва уларни таъмирлаш ва қайта қуриш таклифларини ишлаб чиқиш, туризм салоҳиятини ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек самарадор туристик маршрут йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб масалада ҳисобланади.

¹ <https://old.uwed.uz/uz/news/fulltext/1076>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сон “Моддий, маданий ва археологик мерос объектларидан фойдаланишни ва муҳофазасини такомиллаштириш тўғрисида”, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2014 йил 21 июлдаги ПҚ-200-сон “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 мартдаги 112-сон қарори ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мақбараларнинг тарихи ва архитектураси, ободонлаштириш ишларига бир неча адабиётлар, мақола ва тадқиқотлар бағишланган. Г.А.Пугаченкова², В.А.Шишкин³, Л.И.Ремпель⁴, М.С.Булатов⁵, С.Хмельницкий⁶, Б.Н.Засыпкин⁷, В.А.Нильсен⁸, К.Крюков, П.Ш.Зоҳидов⁹, Л.Ю.Маньковская¹⁰, И.Ноткин¹¹, М.Қ.Аҳмедов¹², А.С.Ўролов¹³, К.Д.Рахимов, Ш.Д.Аскарров¹⁴, Д.А.Нозилов¹⁵, М.А.Юсупова¹⁶, О.М.Салимов¹⁷, Х.Ш.Пўлатов¹⁸, А.А.Зияев¹⁹, Т.Ш.Маматмусаев²⁰,

² Пугаченкова Г. Зодчества центральной Азии XV век. Т.:1976

³ Шишкин.В.А. Города Узбекистана. Т.:1943 г.

⁴ Пугаченкова Г., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. М.: 1965 г.

⁵ Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. М.: 1988 г.

⁶ Хмельницкий С. Между Кушанами и арабами. Архитектура Средней Азии V-VIII вв. Берлин. 2000 г.

⁷ Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. М.: 1948 г.

⁸ Нильсен В.А. Архитектура Средней Азии. Т.: 1966.

⁹ Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. 37-бет.

¹⁰ Маньковская Л.Ю. Формообразование и типология зодчества Средней Азии IX-начало XX века. Т.:2014.

¹¹ Ноткин И.И. Бухоро ганчкорлиги . Т.: 1961 й.

¹² Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. -Т.: 1995.

¹³ Ўролов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2011.

¹⁴ Аскарров Ш.Д. Архитектура Темуридов. Т.: 2009 г.

¹⁵ Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “ФАН” нашриёти. 2005.

¹⁶ Юсупова М.А. Бухарская школа зодчества XV–XVII вв. (особенности и динамика развития). С.:2022.

¹⁷ Салимов А. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана . Т.: 2009 г.

¹⁸ Пўлатов Х., Маматмусаев Т. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Т.: 2017 й.

Ш.З.Нурмухамедова²¹, Г.С.Дурдиева²², М.А.Юсупова²³ Д.Н.Султонова, Ш.Р.Бобоёрова²⁴, Ш.Рейимбаев ва бошқа олимлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир.

Ушбу изланишларда мақбаралар архитектураси ва уларнинг типологик ечими комплекс тарзда ўрганилмаганини кузатиш мумкин. Бунда мақбараларнинг пайдо бўлиши, ҳудудий жойлашуви, ўзига хос меъморий ечимларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ F.1-86 рақамли “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафқураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” (2016-2022 йй.) мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мақбаралар меъморлигининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг типологик ечимларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мақбаралар бўйича мавжуд манбаларни, архив материалларини ўрганиш ва тўпланган материалларни умумлаштириш;

ўрта аср мақбараларининг композицион ечимларини ўрганиш;

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган мақбаралар меъморлигини очиб бериш;

қўшни давлатларда жойлашган мақбаралар меъморлигини таҳлил қилиш;

мажмуалар таркибидаги мақбаралар ва бир, икки, уч хонали мақбаралар меъморлигини таҳлил қилиш;

мақбара биноларини ёпишда қўлланилган гумбазларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиз ҳудудида жойлашган мақбаралар олинган.

Тадқиқотнинг предметини мақбараларнинг режавий ва композицион ечимлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари.

¹⁹ Зияев А. “Ташкент” I часть Т.: 2009 й.

²⁰ Маматмусаев Т. Мирзо Улуғбек даври архитектураси. Т.: 2014 й.

²¹ Ш.З. Нурмухамедова. Проблемы античной и средневековой архитектуры Средней Азии в исследованиях Г.А. Пугаченковой. Т.:2009

²² Дурдиева Г.С., Бекмухаммад У. Пахлавон Махмуд: ҳаёти, фаолияти, ижоди ва мажмуаси. Бухоро.: 2025 й.

²³ Boboyorova Shahnoza Roziqovna. “Buxorodagi Chor Bakr majmuasining shakllanish va rivojlanish bosqichlari”. 18.00.01 – «Arxitektura nazariyasi va tarixi. Arxitektura yodgorliklarini ta’irlash va tiklash», arxitektura bo’yicha falsafa doktori (phd) dissertatsiya. Toshkent – 2023 y.

Тадқиқотда архив манбаларини ўрганиш, уларни тизимлаш, натурал тадқиқ қилиш, фотофиксация, йиғилган материалларни таҳлил қилиш ва илмий умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк дафн иншоотлари кед, даҳма, навс (наус) тарзида вужудга келганлиги, ислом дини кириб келгандан сўнг мақбаралар курила бошланганлиги, мақбаралар типологик ечимига кўра дастлаб квадрат (чортоқ) композицияда шаклланганлиги; кейинчалик пештоқли, саккизқиррали, хочсимон, айланасимон, ташқариси тўртбурчак ичи айланасимон тарҳий ечимлар ривожланганлиги; XIV-XV асрларда тарҳий ечимлар такомиллашиб, кўшимча хоналар (зиёратхона, айвон, масжид, хонақоҳ, баъзи ҳолларда чиллахона) қўшилиб, ўлчамлари ҳажмий жиҳатдан ошганлиги асосланган;

дастлабки мақбаралар архитектурасида куб ва гумбаз шаклининг устуворлиги, уларда X асрдан бошлаб пештоқ қисмларининг ривожлана бошлаганлиги, темурийлар даври мақбараларида улуғворлик ва ҳашамдорликнинг ошганлиги, сўнгги ўрта асрларда эса архитектура ечимларининг яна соддалаша борганлиги аниқланган;

илк мақбаралар (IX-X асрлар) бир қобикли яримшарсимон шаклдаги гумбаз билан ёпилганлиги, XI-XII асрлардан икки қобикли конуссимон гумбаз конструкцияси ҳам қўлланила бошлаганлиги, XIV-XV асрлардан гумбаз баландликлари баланд барабанлар ҳисобига сезиларли даражада ошганлиги асосланган;

Мовароуннаҳрда мақбаралар бир камерали ва кўп камерали типологияда шаклланганлиги, бир камерали мақбаралар - марказий, пештоқ-гумбазли, чиллахонали композицияда, кўп камерали мақбаралар эса бўйлама ўқли, кўндаланг ўқли, хочсимон, мажмуавий композицияларда бунёд этилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қадимда шаклланган дафн иншоотларининг кўриниши, уларнинг тузилиши, меъморлигининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган;

кўшни давлатларда жойлашган мақбаралар архитектураси ва уларнинг типологик ечимлари очиб берилган;

мажмуа таркибидаги, шунингдек бир, икки ва уч хонали мақбараларнинг композицион ечимлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги архитектура фанида тан олинган илмий ёндашув ва усуллар орасида бирламчи моддий маданият манбаларига бағишланган адабиётлар, тарихий манбалар ва архив материалларига мурожаат қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг тегишли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги, халқаро ва республика конференцияларида, илмий семинарларда апробациядан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг илмий аҳамиятга эгалиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти архитектура тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни бойитиш, меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш лойиҳаларини бажаришда халқ меъморлигининг ўзига хос анъаналаридан самарали фойдаланиш имкониятларини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотларининг фаолиятида, архитектура обидаларини таъмирлаш, миллий услубларни қўллаган ҳолда замонавий меъморликни ривожлантиришда ҳамда олий таълим муассаларида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги фанлар мазмунини тўлдиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мақбаралар меъморлиги ва уларнинг типологик ечимлари мавзуси юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

илк дафн иншоотлари кед, даҳма, навс (наус) тарзида вужудга келганлиги, ислом дини кириб келгандан сўнг мақбаралар қурила бошланганлиги, мақбаралар типологик ечимига кўра дастлаб квадрат (чортоқ) композицияда шаклланганлиги; кейинчалик пештоқли, саккизқиррали, хочсимон, айланасимон, ташқариси тўртбурчак ичи айланасимон тарҳий ечимлар ривожланганлиги; XIV-XV асрларда тарҳий ечимлар такомиллашиб, кўшимча хоналар (зиёратхона, баъзи ҳолларда чиллахона) қўшилиб, ўлчамлари ҳажмий жиҳатдан ошганлиги асосланганлиги ҳамда дастлабки мақбаралар архитектурасида куб ва гумбаз шаклининг устуворлиги, уларда X асрдан бошлаб пештоқ қисмларининг ривожлана бошлаганлиги, теурийлар даври мақбараларида улуғворлик ва ҳашамдорликнинг ошганлиги, сўнгги ўрта асрларда эса архитектура ечимларининг яна соддалаша борганлиги аниқланганлиги юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси фаолиятиларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг 2025 йил 23 июндаги 04-10/2548-сон, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 27 июндаги 02-02/02/1/1852-сон маълумотномалари). Натижада Мовароуннаҳрда мақбараларнинг ривожланиш босқичлари, типологик ечимлари хусусида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имкони яратилган;

дастлабки мақбаралар (IX-X асрлар) бир қобикли яримшарсимон шаклдаги гумбаз билан ёпилганлиги, XI-XII асрлардан икки қобикли конуссимон гумбаз конструкцияси ҳам қўлланила бошлаганлиги, XIV-XV асрлардан гумбаз баландликлари баланд барабанлар ҳисобига сезиларли даражада ошганлиги асосланган ҳамда Мовароуннаҳрда мақбаралар бир камерали ва кўп камерали типологияда шаклланганлиги, бир камерали мақбаралар - марказий, пештоқ-гумбазли, чиллахонали композицияда, кўп камерали мақбаралар эса бўйлама ўкли, кўндаланг ўкли, хочсимон, мажмуавий композицияларда бунёд этилганлиги аниқланганлиги юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси фаолиятиларда

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг 2025 йил 23 июндаги 04-10/2548-сон, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитасининг 2025 йил 27 июндаги 02-02/02/1/1852-сон маълумотномалари). Натижада мақбараларнинг типологик ва конструктив ечимлари хусусида илмий асосланган тушунчалар олиш имконияти яратилган;

республикамизда якка тартибда қурилган мақбаралар сони жиҳатидан Фарғона (77 та) ва Қашқадарё (75 та) вилоятларида кўплиги, давр бўйича эса XIX асрда мақбаралар кўп қурилганлиги (76 та), мақбараларнинг типологик жиҳатидан асосан бир ва икки камерали тарзда шаклланганлиги, XV-XVI асрдан Хоразм ва Бухоро ҳудудларида уч камерали типологияда ҳам мақбаралар қурилганлиги, Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани Тим қишлоғида жойлашган 977 йилда қурилган Араб ота мақбараси ҳақидаги илмий маълумотлар “Ўзбекистон тарихи” телеканалида эфирга узатилган “Тарихий савол” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” давлат муассасасининг 2024 йил 03 октябридаги 06-28-856-сон маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги мақбараларнинг ўзига хос меъморий ечимлари хусусида илмий маълумотлар олишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, республика ва халқаро конференцияларда 9 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий журналларида 4 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертация авторефератининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби “**Дафн иншоотларининг вужудга келиши ва уларнинг шаклланиш жараёнлари**” деб номланиб, унда қадимги дафн иншоотлари, мақбараларнинг композицион ечимлари, мақбараларнинг ҳудудий жойлашуви каби масалалар кўриб чиқилган.

Биринчи бобнинг 1-параграфи “Қадимги давр дафн иншоотлари” деб номланган. Дафн иншоотлари қадимда турлича тарзда шаклланган. Уларга кед, даҳма, остодон, оссуарий, навс кабиларни киритиш мумкин. Кед – махсус павильон типигаги бино бўлиб, бу жасадни қўйиш учун уй ҳисобланган. Бу ерда жасад маълум вақт давомида сақланиб, яқинлари билан видолашиш маросимлари ўтказилган.

Шундан сўнг жасад даҳма деб аталувчи махсус тепалик ёки иншоотга олиб чиқиб қўйилган. Унда эса жасадни поклаш босқичи, яъни қушлар ёки йиртқич ҳайвонлар билан табиат орқали поклаш назарда тутилган. Гўштдан тозаланган суяклар остодон ёки оссуарий деб номланган идишларга жойлаштирилган. Шундан сўнг улар махсус дафн иншооти наусларда сақланган.

Даҳмалар ҳақидаги ёзма манбалар “Авесто” орқали бизгача етиб келган. Зардуштийлик динида дафн иншоотлари 3 га бўлинган: Ката, даҳма ва Уздана²⁵. Ката – атамаси “Авесто” тилида “хона”, “мархумлар учун вақтинчалик хона” тарзида таржима қилинади²⁶. Мурдани даҳмага қўйишнинг иложи бўлмаганда, асосан қиш фаслида, ёки ёғингарчилик вақтида мурдаларни вақтинча сақлаш учун қурилган иншоотдир²⁷. Ката “Авесто” матнларида турли хилда келтирилади. М.Мейтарчиан “Ката”²⁸, М.Исҳоқов таржимасида - “қурум”²⁹, А.Маҳкам таржимасида - “Кодиҳ”³⁰, тожик тилида амалга оширилган таржималарда “Када”³¹, инглиз тилида “Ката” шаклида берилган³². Ката айрим форс манбаларида “наса хона” дея ҳам аталган³³.

Уздана - одатда Наус билан бир маънода ишлатилган³⁴. Уздана қурилишида тошдан ёки ғиштдан терилиб, гипс қилинган махсус хона,

²⁵ Тошалиев Қахрамон Бобоёрович “Ўрта Осиё даҳмалари” (Шимолий Бақтрия мисолида) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи, 07.00.06 – Археология. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Термиз-2023

²⁶ Мейтарчиан М.Б., Погребальные обряды зороастрийцев. – Москва, 2001. – С. 189-190; Shaydullayev Sh.B., Xamidov O.A., “Avesta” katasining arxeologik asoslari // O‘zbekiston arxeologiyasi jurnali. №1 [16] – Samarqand, 2018. – В. 11-23.

²⁷ Avesta: Videvdot kitobi (M. Is’hoqov tarjiması). – Toshkent, 2007. – В. 38-39.; Рак И.В., Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб. 1997. – С. 565; Авеста “Закон против дэвов” (Видевдат). Адаптированный перевод, исследование и комментарии Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидова, Е.В. Абдуллаева. – СПб, 2008. – С. 87-88.

²⁸ Мейтарчиан М.Б. Зороастрийский погребальный обряд (хронологические и локальные варианты). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Москва, 1992. – С.25-30.

²⁹ Avesta: “Videvdot” kitobi (M. Is’hoqov tarjiması). – Toshkent, 2007. – В. 38-39.

³⁰ Avesto. Tarixiy-adabiy yodgorlik. Asqar Mahkam tarjiması. – Toshkent, Sharq. 2001. – В. 123.

³¹ Avasto, 2014 — Avasto. Jildi I. – Dushanbe, Buxoro, 2014. – В-30-40; Абдуллаев Е.В., Zoroastriana-Slavica: o двух восточнославянских параллелях авестийскому Видевдату // Commentationes Iranicae. Сборник статей к 90-летию Владимира Ароновича Лившица / под ред. С.Р. Тохтасева и П.Б. Луре. – СПб., 2013. – С. 661-667; Мирбобоев А. Типология зороастрийских погребальных памятников Средней Азии V-VII вв. н.э. // Авеста в истории и культуре Центральной Азии / Отв. ред. А.Раджабов. – Душанбе, 2001. – С. 64-66.

³² Widengren G. Zervanistische Texteansdem "Avesta" in der Pahlavi – UberlieferungungeineUntersuchimgzu Zat Spronn und Bundahisn Festschritt fur W. Eilers. Wiesbaden, 1967. – P. 278 — 287.

³³ Хисматулин А.А., Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. – СПб., 1997. – С. 207-219;

³⁴ Авеста “Закон против дэвов” (Видевдат). Адаптированный перевод, исследование и комментарии Э.В.Ртвеладзе, А.Х. Саидова, Е.В. Абдуллаева. — СПб, 2008. – С. 88-89.

умумий суякларни сақлаш учун мўлжалланган³⁵. Бундай хоналар Дахма яқинида бунёд этилган бўлиб, диннинг ривожланган босқичида шаклланган. Бугунги кунда Ҳиндистон ва Эрон ҳудудларида шундай дахма ва узданалар сақланиб қолган³⁶. Наусга Ртвеладзе қуйидагича таъриф берган: “Наус бу исломнинг илк давридаги зардуштийлик динида ўлганларнинг тозаланган суякларини сақлашга мўлжалланган қабрга ўхшаш катта остадон устидан қуриладиган иншоотдир”³⁷. Суяқдон - зардуштийликда минора сифат дахмалар марказида суяклар туриши учун махсус жой, “идиш” маъносини англатади³⁸. Оссуарий - тошдан ёки сополдан ясалган қутига, хумга ўхшаш буюм³⁹. Шу тариқа дафн иншоотлари секин асталик билан ривожланган. Кейинчалик мақбаралар вужудга келган.

Биринчи бобнинг “IX-XIII асрлар мақбараларининг композицион ечимлари” деб номланган 2-параграфидида қуйидагилар келтирилган. Мақбаралар шаклланиш композицияси жиҳатидан иккига бўлинган: бир хонали ва кўп хонали.

“Марказий Осиё мақбараларига хос меъморий - режавий хусусиятларни умумлашган ҳолда қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Бир хонали мақбаралар, уларнинг тарҳи квадрат шаклида бўлиб, ҳажми кубсимон, гумбазли, кўринишидан тўрт томони бир хил.

2. Бир хонали мақбаралар, уларнинг чортоқ (тўрт томонида тоқ - равоқли бўлган тўртбурчак хона) кўринишидан тўрт томони бир хилда қурилмаган, гумбазли - пештоқли.

3. Кўп хонали мақбаралар, уларнинг тарҳи тўғри тўртбурчак бўлиб, гумбазли - пештоқли.

4. Мақбара бир гумбазли, қўш гумбазли ва гумбазларнинг турлари: балхи, чархи, думалоқ, конуссимон, кулоҳий шакллардан иборат.

5. Мақбара безакларида, оддий ғиштин, ранг-баранг ўймакор ва сиркор безаклардан, куфий ёзувлардан кенг фойдаланилган бўлиб, бетакрор меъморликни шакллантирган”.

Бир хонали мақбаралар⁴⁰ туркумига кирувчи ёдгорликларнинг икки кўриниши мавжудлигини М.Қ. Аҳмедов яққол мисоллар орқали кўрсатиб берган. Бир хонали мақбараларнинг биринчи кўринишига мисол тариқасида Сомонийлар мақбараси (IX аср) ни кўрсатиш мумкин. Ушбу мақбара Бухорода жойлашган ва чортоқ услубида қурилган. Бино асоси куб ҳажмдаги

³⁵ Тошалиев Қ. Среднеазиатские дахмы // “Муғаллим ҳам узликсиз билимлендири”, Илимий-методикалык журнал, №1, - Некис, 2019. – Б. 104-107.

³⁶ Бойс М. “Зороастрийцы. Верования и обычаи”. Перевод с английского и примечания И.М. Стеблин Каменского. Послесл. Э.А. Грантовского. Москва, Наука, 1988. – С. 142-145; Susan J. Zoroastrian conversions to the baha’i faith in Yazd, - Iran. M.A. thesis, University of Arizona, 1983. – P. 107.

³⁷ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. 2005. – С. 156.

³⁸ O‘zbek tilining izohli lug‘ati // “O” harfi, A. Madvaliev tahriri ostida. – Toshkent. “O‘zbekiston milliy ensklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti” 2006. – B. 148-149.

³⁹ O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Toshkent, “O‘zbekiston milliy ensklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti” 2006. – B. 148.

⁴⁰ Ўролов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2011.26-30 бетлар.

шаклдан ва унинг устидаги гумбаздан ташкил топган. Тарҳи квадрат кўринишида. Бинонинг тўрт тарафи бир хил. Бино тарзи нафис оддий ғиштдан (23x23x4 см) фойдаланиб ишланган ва ажойиб гўзаллик намунаси яратилган⁴¹. Бир хонали мақбараларнинг иккинчи кўриниши гумбазли - пештоқли бинолардир. Бу турдаги биноларнинг фарқи - чортоқ кўринишидаги тўрт томони бир хилда қурилмаслигидадир. Уларнинг асосий кириш қисми алоҳида маҳобатли тарзда қурилган ва пештоқ орқали ажратилган. Кўп хонали мақбараларнинг типологик асосларини Г.А. Пугаченкова ва Л.Ю. Маньковскаялар таҳлил этганлар. Икки ва ундан ортиқ хонали мақбаралар туркумига нафақат гўрхона балки зиёратхона, махсус даҳлиз, ҳовли, айвон, айримларига хонақоҳ ва масжидлар ҳам кирган. Кўп хонали мақбаралар кўпинча гуруҳ қилиб эмас, балки алоҳида-алоҳида бинолар сифатида бунёд этилган⁴².

Кўп камерали мақбаралар (хонақоҳ типиди). Бундай мақбаралар XI-XII асрларда шаклланган. Сақланиб қолган ёдгорликлар орасида зиёратхона ва гўрхонанинг аксарияти квадрат шаклига эга⁴³.

XI-XII асрларда мақбаралар, масжидлар ва хонақоҳларни бирлаштирган кўп камерали мақбаралар шакллана бошлаган. Дафн маросими билан боғлиқ кўплаб жараёнларни ташкил этадиган кўп камерали бино; бўйлама ўқ бўйлаб учта камайиб бораётган зал мавжуд: зиёратчиларнинг умумий йиғилишлари учун (хонақоҳ, жамоатхона), марҳумнинг сиғиниш маросими учун (зиёратхона) ва қабрлар; томонларда зиёратчилар ва саёҳатчилар учун турар-жой ҳужралари, инвентаризация ва маросимлар учун ер ости қабристонлари мавжуд бўлган. Бундай ихчам, мураккаб ечим фақат Ўрта Осиё меъморлигига хос бўлиб, бунга мисоллар кўпроқ Хоразмда учрайди⁴⁴.

Умуман олганда, IX-XIII асрлар оралиғида ўрганилган мақбаралар тарҳий ечимлари бўйича квадрат, тўғри тўртбурчак, саккиз қиррали, икки хонали, айланасимон, хочсимон, ташқи томондан тўртбурчак ичи айланасимон ҳамда комплекс ечимларда бўлганлигини кўриш мумкин. Тарҳий ечимларда пештоқсиз, пештоқли, пештоқ-гумбазли тарзда ишланган. Бу даврдаги мақбараларнинг том ёпилиши бўйича ярим шарсимон бир қобикли гумбазли, поғонасимон бир қобикли гумбазли, чархи бир қобикли гумбазли ҳамда конуссимон икки қобикли гумбазли мақбара турларини ажратса бўлади.

Биринчи бобнинг *“XIV-XV асрлар мақбараларининг композицион ечимлари”* деб номланган 3-параграфида қуйидагилар келтирилган. XIV-XV асрлар тарҳий ечимлари бўйича ўрганилган мақбаралар квадрат, ташқариси тўртбурчак ичи айланасимон, саккиз қиррали, монументал комплекс ечимда,

⁴¹ Ўролов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2011.26-бет.

⁴² Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.: “Ўзбекистон” 1995. 56-бет.

⁴³ Маньковская Л.Ю. Формаобразование и типология зодчества Средней Азии (IX начало XX века). Т.: 2014 г.

⁴⁴ Маньковская Л.Ю., Булатов В, Памятники зодчества Хорезма (таржима), 76 бет.

чиллахонали, кўп хонали (кўндаланг ва бўйлама ўқли), мақбаралар ташкил этганлигини кўриш мумкин. Бунда IX-XIII асрлар оралиғидаги мақбаралар билан таққослаб кўрилганда ўлчам жиҳатидан йириклашув, чиллахонали сингари кўшимча типологик ўзгаришлар кўзга ташланади. Тарз ечими бўйича ҳам олд пештоқларнинг монументал тарзда ишланганлиги ва муҳташам кўриниш олганлиги, гулдаста ва тоқчаларнинг кенг қўлланилганлигини кўриш мумкин. Том ёпилиши бўйича чархи бир қобикли гумбазли, мирзои бир қобикли гумбазли, конуссимон икки қобикли гумбазли, гумбаз барабанининг такомиллашуви (икки қобикли) каби ўзгаришлар кўзга ташланади.

XIV аср охири XV аср бошларида призматик корпусли кўп камерали бино тури шаклланади: Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси (режадаги ўлчами 65x46,5 м, асосий гумбазларининг диаметри 7,20 ва 18,2 м) бунга мисол қилиб кўрсатилиши мумкин. Хонақоҳ мақбаралари композициянинг марказлашган шаклида ҳам учрайди: бу бинолар хонақоҳдан деярли фарқ қилмайди (айниқса, Тошкентдаги Суюнчхон мақбараси. Узоқ масофаларда қурилган бу ёдгорликлар баъзан деярли бири-бирдан нусха кўчиргандек⁴⁵.

Ушбу даврга мансуб бошқа мақбаралардан Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси (1437-1438 йй.) Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган⁴⁶. Тарҳи тўртбурчак (12.1x10.6 м) режада пишиқ ғиштдан қурилган. Мақбарага олд пештоқ орқали кирилади. Мақбарада безаклар қўлланилмаган. Мақбара гумбазли бўлиб, кошинлар орқали безак берилган⁴⁷. Шунингдек, Гумбази Сайидон мақбараси (1437-1438 йиллар) Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик

⁴⁵ Многокамерные мавзолеи-комплексы, основные памятники: Квадрат с Т-образным расчленением внутри: XII-XIV вв. Музлум-Сулү (Пилявский, 1948; Филимонов, 1967). Т-образным корпусом: 20-30 гг. XIV в. Намедина Кубра (Ноткин, 1962, с. 155; Пилявский, 1948, с. 38; Якубовский, 1930, с. 61); XV-XVI вв. Юнус-хана в Ташкенте (Альхамова, Давидович, Литвинский, Массон, 1953, с. 171; Пугаченкова, 1957; Булатова, Л.Ю. Маньковская, 1983, с. 55,98-101). Продольноосевые с порталами в призматическом корпусе: XIV в. Шейха Мухтар-Вали (Гулямов, 1941, с. 85; Л. Ю. Маньковская, Булатова, 1973, с. 151; Ноткин, 1962, с. 143-161); XII, XIV, XVI вв. Чашма-Аюб (Засыпкин, 1928, с. 261-265; Пугаченкова, Ремпель, 1949); кон. XIV в. Ходжа Ахмада Яссави (Л. Ю. Маньковская, 1960; 1962); кон. XIV - нач. XV вв. Олджа Аим Инага («Казы заде Руми») (Джехангиров, Засыпкин, 1950, Булатова, 1965, с. 256; Захидов, 1978; Немцева, Шваб, 1979); XII-XVI вв. Хазрет Султана в Каршинском районе (Л. Ю. Маньковская, 1979, 36); XIV-XVI вв. Шейха Муслихиддина (Хмельницкий, 1977, с. 106); XVI в. Зайнуддина-бобо (Левина-Булатова, 1960, с. 75-84; Булатова, Л. Ю. Маньковская, 1983, с. 56, 117-118); 50 гг. XVI в. Каффаль Шаши (Массон, 1954, с. 124; Френкель, 1950, с. 73-84; Булатова, Л. Ю. Маньковская, 1968, с. 54, 107-109); XVII-XVIII вв. Катта-ханако в Иски-Лянгаре Кашкадарьинской области (Л. Ю. Маньковская, 1970б, с. 30; Стеблюк, 1963а); XVIII-XIX вв. Кичик-ханако в Иски-Лянгаре (там же). Продольноосевые, с порталом, выступающим из кубического корпуса: XVI-XVII вв. Кызыл-Мазар в Бекабаде (Л. Ю. Маньковская, 1970); XV-XVII вв. ханако Дехкан-бобо в Бухарской области (Л. Ю. Маньковская, Пардаева, 1976). Центрические: XV в. Калдыргач-бия в Ташкенте (Пугаченкова, 1950а; Булатова, Л. Ю. Маньковская, 1983, с. 48, 95-98); XV в. Иездах Имам в Самарканде (Филимонов, Обмер 1951, архив ГНПУ); 30 гг. XVI в. Суюнидж-хана (Воронин, Ратия, 1936, с. 67-72; Массон, 1954, с. 126); XVII в. Лалазем-ата (Пугаченкова, 1958, с. 123); XVI в. Кызыл Имам в Дуруне (Пугаченкова, 1958а, с. 439).

⁴⁶ Меликулов Ф.А. «Тарихий ёдгорликлар асосида худудларнинг туризм имкониятларини ошириш йўллари (Кашкадарё вилояти мисолида)», 18.00.01-Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш йўналиши (PhD) диссертация, 2023 йил.

⁴⁷ Архив манба: Маньковская Л.Ю. Мавзолей Гумбази Сейдон. Паспорт № 3.4.-4.3.10. Архив ГлавНПУ при Мин. Культуры РУз. 1974 г.

ҳисобланади. Бинони Мирзо Улуғбек қурдирган (1437-1438). Мақбара чортоқ тарҳли (ташқи ўлчами 9x9 м, ички томони 5,75x5,75 м), пойгумбази саккиз қиррали, гумбаз билан қопланган⁴⁸. Самарқанд вилояти ҳудудидаги Шоҳизинда мажмуаси ҳам айнан темурийлар даврида ўз тараққиётига эришган.

Биринчи бобнинг “*XVI-XIX асрлар мақбараларининг композицион ечимлари*” деб номланган 4-параграфида ушбу даврларга тегишли мақбараларнинг типологик ечимлари кўриб чиқилган.

XVI-XIX асрлар оралиғида эса XIV-XV асрларда қурилган мақбаралардан фарқли ўлароқ соддалашув кўзга ташланади. Бунда тарҳий ечимлари квадрат, тўғри тўртбурчак, икки ва уч хонали мақбаралар шаклланиган. Пештоқ ечимлари ҳам анча соддалашган, безаклар камроқ қўлланилган. Том ёпилиши бўйича эса чархи бир қобикли ва икки қобикли гумбазли, ярим шарсимон бир қобикли гумбазли, баланд барабанли бир ва икки қобикли гумбазли бўлган. Ушбу даврга тегишли мақбараларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.

Уч-авлиё мақбараси (1549, 1821), Хива, Ичан-қалъа, Тошҳовли саройи орқасида жойлашган. Мақбаранинг асосий пештоқ қаршисида тарз олдида айвон бор. Мақбара режада битта хона майдонини ўраб олган, шарқий, ғарбий ва жанубий деворларида саёз бўшлиқлар ва бўйлама ўқида чуқур жой бор. Зал уч томондан, кичик бўшлиқлар марказлари бўйлаб кириш жойлари билан очилади.

Шамун Набий мақбараси (XVIII аср) Миздақхоннинг шимолий тепалигида жойлашган. Мақбарада етти гумбази бор. Бинонинг баланд пештоқи ва етти гумбазли мақбараси узунлиги 25 метрга чўзилган⁴⁹. Ичкарида Самарқанддаги Дониёр пайғамбар қабрини эслатувчи узун қабр мавжуд. Хўжа Дониёр мақбараси XV-XIX асрларга мансуб. Мақбарада 18 метрлик қабр мавжуд⁵⁰.

Биринчи бобнинг “*Ўзбекистон ҳудудидаги мақбараларнинг ҳудудий жойлашуви ва даврий шаклланиши*” деб номланган 5-параграфида қуйидагилар келтирилган.

Ўзбекистон ҳудудидаги мақбаралар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵¹ қароридаги рўйхат асосида 344 тани ташкил этади.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган мақбаралар сони жиҳатидан фоиз кесимида кўриб чиқилганда, энг кам Жиззах ва Навоий вилоятлари

⁴⁸ QOMUS.INFO

⁴⁹ <https://www.tourstouzbekeistan.com/ru/sights/nukus/mavzoley-shamun-nabi.html>

⁵⁰ https://ru.wikipedia.org/wiki/Мавзолей_Ходжа_Дониер

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон қарорида рўйхатда 344 та алоҳида мақбаралар келтирилган

(1 фоиз)да, энг кўп Қашқадарё ҳамда Фарғона вилояти ҳудудлари (22 фоиз)да жойлашганлигини кўриш мумкин.

Мақбараларнинг ҳудудий жойлашуви ва даврлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Жадвал

| | Қорақолпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Фарғона вилояти | Жиззах вилояти | Хоразм вилояти | Наманган вилояти | Навобй вилояти | Қашқадарё вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхондарё илояти | Тошкент вилояти | Тошкент шаҳри |
|-----------------------|------------------------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|----------------|------------------|----------------|-------------------|-------------------|-----------------|-------------------|-----------------|---------------|
| Даврлар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Мил.ав.-1 | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| I-5 | | | | | | | | | 5 | | | | | |
| II-1 | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| III-0 | | | | | | | | | | | | | | |
| IV-2 | | | | | | | | | 2 | | | | | |
| V-9 | | | | | 1 | | | | 7 | | | 1 | | |
| VI-7 | | | | | | 1 | | | 6 | | | | | |
| VII-0 | | | | | | | | | | | | | | |
| VIII-1 | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| IX-13 | | | | 1 | | | | | 7 | | 4 | 1 | | |
| X-5 | 2 | | | | | | | | 3 | | | | | |
| XI-8 | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | 5 | | |
| XII-15 | 9 | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | | 2 | | |
| XIII-3 | 2 | | | | | | | | | | | | 1 | |
| XIV-21 | 1 | | 1 | | 1 | 6 | | | 11 | 1 | | | | |
| XV-16 | | | 2 | 1 | | | | | 4 | 8 | | 1 | | |
| XVI-26 | | | 8 | 2 | | 7 | | | 4 | | | | 2 | 3 |
| XVII-16 | 1 | 1 | 3 | | | 2 | | | 3 | 5 | | | | 1 |
| XVIII-31 | 11 | 1 | | | | 1 | 7 | | 8 | | | 1 | | 2 |
| XIX-76 | 10 | | 2 | 27 | 1 | 6 | 4 | | 8 | 12 | | | | 6 |
| XX-47 | 10 | 1 | 1 | 30 | | | 2 | | 1 | 1 | | | | 1 |
| XXI-24 | | | 3 | 17 | | | 1 | | | 1 | | | | 2 |
| Даври аниқланмаган-14 | | 1 | | | | | 9 | | 1 | | | | 2 | 1 |
| Жами | 46 | 4 | 22 | 77 | 3 | 23 | 27 | 2 | 75 | 29 | 4 | 11 | 5 | 16 |
| Умумий | | | | | | | | | | | | | | 344 |

Диссертациянинг II боби “Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ҳудудида жойлашган мақбаралар тадқиқи” деб номланиб, унда республикаимиз ҳудудида жойлашган мақбаралар ва қўши давлатларда жойлашган мақбаралар таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг “*Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳудудида жойлашган мақбаралар архитектураси*” деб номланган 1-параграфда куйидагилар келтирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган Шамун Набий, Мазлумхон Сулув ҳамда бошқа мақбаралар кўриб чиқилиб, Беруний тумани ҳудудида Султан Увайс бобо мажмуаси мавжудлиги, шунингдек ушбу мажмуада Султан-Увайс Қорайин мақбараси ва Шинор Бобо мақбараси, Валий ота мақбаралари ҳам жойлашгангени кўриш мумкин.

Хоразм шаҳрида ҳам қадимий ва бир неча асрлар давомида шаклланган мақбараларни учратиш мумкин. Шундай мақбаралардан бири Шовот туманидаги Абдал бобо мақбарасидир (VIII-XVIII асрлар). Тарҳий ечими квадрат асосга эга, гумбаз билан ёпилган, кириш қисми пештоқ билан ажратилган. Шу каби бир камерали квадрат асосга эга мақбаралардан XVI-XVII асрларда бунёд этилган Музrab шoҳ Хоразмий, Ваянган-бобо мақбараларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу ҳудудда кўп камерали мақбаралар ҳам кўплаб қурилган. Уларга Паҳлавон Махмуд, Шайх Мухтор Валий, Шайх Ҳусайн бобо, Саид Алоуддин, Усмон Саид бобо мақбараларини киритиш мумкин.

Бухоро шаҳрида ўзининг архитектуравий ечими билан ажралиб турувчи, чортоқ тарҳий ечимга эга, IX асрда бунёд этилган Сомонийлар мақбараси пишиқ ғиштдан қурилган. Бино куб ва яримшар уйғунлашувидан ташкил топган. Безаклари ҳам пишиқ ғиштдан чиқарилган. Мақбаранинг тарҳий ечими динамик квадратлар қаторига тушади. Мақбарадаги меъморий пропорцияларни М.С.Булатов, Л.И.Ремпель, П.Ш.Зоҳидов ва К.С.Крюковлар ўрганганлар. К.С.Крюков бошқа тадқиқотчилардан фарқли мақбара тарҳи, тарзи, интерьерни орасидаги боғланишлар модул тизимига асосланган деб тушунтиради. Мақбара тарҳи квадрат шаклда бўлиб модулли катаклар устига қизилган. Ҳар бир катакнинг томони бир газ (60 см)га тенг. Асосий модул сифатида девор қалинлиги – 3 газ, кичик модул сифатида эса 1 газ олинган⁵².

Ушбу ҳудудда саккизқиррали (Шабурғонота) ва айланасимон (Хўжа Бўстон) тарҳий ечимларга эга бир камерали мақбаралар ҳам қурилган. Кўп камерали мақбаралар сирасига Сайфиддин Боҳарзий (XIV-XV асрлар), Чибирдон-бобо (XV аср), Турки-жанди (XVII аср) каби мақбараларни киритиш мумкин. Комплекс тарзда шакллантирилган мақбара сирасига XII асрда бунёд этилган Чашмаи Аюб мажмуасини мисол қилиш мумкин.

Навоий шаҳрида Мирсаид Баҳром мақбараси жойлашган бўлиб, X-XI асрларда бунёд этилган. Бино бир камерали, квадрат асосда шакллантирилган. Кириш пештоқ билан ажратилган. Пештоқнинг икки ёни гулдастали. Мақбара гумбаз билан ёпилган.

Иккинчи бобнинг “*Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудида жойлашган мақбаралар архитектураси*” деб номланган 2-параграфда куйидагилар келтирилган.

⁵² Уралов А.С., Маматмусаев Т.Ш. “Архитектура шакллари уйғунлаштириш ва безаш” Тошкент–2015, Дарслик.

Тадқиқотда Тошкент эски шаҳар ҳудудида жойлашган 19 та мақбараларнинг жойлашган ўрни харитада белгилаб чиқилди. Тошкент шаҳридаги сақланиб қолган энг қадимий мақбаралардан бири Хизр ота мақбараси бўлиб, ушбу объект Тошкент шаҳридаги XII асрда бунёд этилган. Мақбара бир хонали квадрат шаклда бўлиб, кириш қисми пештоқ билан ажратилган. Пештоқнинг икки ёни гулдастали. Бир қобикли гумбаз билан ёпилган. Шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган мақбаралар асосан мажмуалар таркибида шаклланган. Уларга Шайхонтохур мажмуасида жойлашган Юнусхон, Қалдирғочбий, Шайхонтохур мақбараларини; Ҳазрати Имом мажмуасида жойлашган Қафқол Шоший, Суюнчхон мақбараларини; Сузук ота мажмуасидаги Сузук ота мақбарасини; Занги ота мажмуасидаги Занги ота ва Анбар биби мақбараларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Занги ота мақбараси бўйлама ўқли кўп хужрали композицияги эга ва иккита қисмдан ташкил топган: зиёратхона ва гўрхона. Гўрхона анча кичикроқ ва у бевосита мақбарага туташган. Иншоотнинг деворлари 25,0-26,0 мм х 5,5-6,5 мм ўлчамлардаги пишган ғиштлардан тикланган бўлиб, улар тоза соғ тупроқли қоришмада терилган. Мақбара гумбаз билан ёпилган. Архитекуравий-археологик тадқиқотлар натижасида Занги ота мақбараси қурилиши иккита даврда бажарилганлиги кўрсатилган: XIV асрнинг охирида иккита хонадан иборат бўлган мақбара қурилган; XV асрнинг биринчи ярмида пештоқ қўшма тарзда қурилган⁵³.

Анбарбиби мақбараси пештоқ-гумбазли композиция услубига эга. Иншоот хоналари мурабба тарҳга эга бўлсада, ташқаридан саккиз қиррали шаклни касб этиши туфайли қизиқарли саналади. Ички гумбаз равоқлар ва бурчак ярим куббаларига асосланган бўлиб, 16 қиррали шаклнинг равоқлари гумбазга туташиб кетади, ташқи гумбаз гардишга ўрнатилган⁵⁴.

Шайхонтохур ёдгорлигида жойлашган Қалдирғочбий мақбараси. Амир Темур даврига оид ёдгорликдир. Қалқонсимон бағаллар қўлланган гумбаз конструкциясининг ички томонига кўра, мақбара Мирзо Улуғбек даврида бунёд этилганлигини кўрсатади. Гумбази пирамидасимон чодир шаклига эга. Бундай гумбазлар Ўрта Осиёнинг шимолий вилоятлари меъморлигига хосдир⁵⁵.

Тошкент шаҳрида алоҳида чиллахонали тарзда шаклланган мақбаралар сирасига Шайх Зайниддин бува ва Хожа Аламбардорларни киритиш мумкин. Шайх Зайниддин бува мақбараси чиллахонаси саккизқиррали тарҳий ечимга, Хожа Аламбардор мақбараси чиллахонаси хочсимон тарҳий ечимга эга.

⁵³ Варисов С.А. Ансамбль Зангиата под Ташкентом // Ж. Архитектура и строительство Узбекистана. -Т.: 1987. № 8.

⁵⁴ Маматмусаев Т.Ш. - “Ўзбекистон шаҳарлари тарихий марказларининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари” – 18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш. Меъморчилик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2017 й.

⁵⁵ Пугаченкова Г.А. Архитектура эпохи Улуғбека. -Т.: 2010. 59-60 б. Маматмусаев Т.Ш. - “Ўзбекистон шаҳарлари тарихий марказларининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари” – 18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш. Меъморчилик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2017 й.

XII-XIII асрларга мансуб Жиззах вилоятида жойлашган Хожамушкент мақбараси масжид билан комплекс тарзда шакллантирилган. Мақбара бир хонали бўлиб, гумбаз билан ёпилган. Сирдарё вилоятида ҳам тарихан шаклланган (X-XI асрлар), ҳозирги архитектуравий кўриниши XX асрга мансуб мақбаралар мавжуд бўлиб, уларга Ҳадича она, Шер бобо, Бузрук бобо, Юсуф бобо мақбараларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчи бобнинг “*Водий ва воҳа ҳудудларида жойлашган мақбаралар архитектураси*” деб номланган 3-параграфда қуйидагилар келтирилган. Наманганда жойлашган мақбаралардан қуйидагиларни келтириш мумкин.

Ўрганилаётган ҳудудларда ҳам турли даврларда мақбаралар бунёд этилган. Самарқанд вилоятида жойлашган Араб ота мақбараси энг қадимги бўлиб, X асрга мансуб. Самарқанддаги мақбаралар хусусида гап кетганда Амир Темур ва темурийлар даври муҳим аҳамиятга эга. Шоҳи Зинда ансамбли ҳудудида жойлашган мақбаралар бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу мақбаралар асосан бир камерали тарҳий ечимда, пештоқ-гумбазли конструкцияда бунёд этилган. Тарҳий ечими узун, яъни беш гумбазли тарзда қурилган XIX асрга мансуб Хўжа Дониёр мақбараси ҳам ўзига хос ечимга эга. Самарқанддаги Қусам ибн Аббос мақбараси типологияси зиёратхона, гўрхона ва чиллахонали тарзда шаклланган.

Темурийлар даври мақбараларининг композицион ечими архитектурада янгича бир кўринишни намоён этган. Амир Темурнинг Шоҳи Зиндадаги биринчи қурилишларидан ҳисобланмиш мақбаралар ихчам пештоқга эга бўлиб, бой сопол кошин безаклар билан қопланган. Бу мақбараларни қуришда аналог сифатида, асосий ҳажмий унсури пештоқ ҳисобланган Амир Темур давригача бўлган мақбаралар олинган. Жумладан, Хўжа Аҳмад мақбараси, 1360-1361 йилларда қурилган мақбаралар. Ширинбека оқо (1385 й.) ва Туман оқо мақбаралари (1405 й.)да айлана гардишга ўрнатилган ташқи гумбазларнинг ривожланганлигини кўришимиз мумкин⁵⁶.

Қадимги мақбараларга Қашқадарё вилоятидаги X-XII асрларга мансуб Тезоб ота мақбарасини, Сурхондарё вилоятидаги X-XI асрларга мансуб Оқ остона бобо мақбарасини келтириш мумкин. Сурхондарё ҳудудидаги Султон Саодат мажмуасида ҳам мақбараларнинг комплекс тарзда шаклланганлигини кузатиш мумкин. Қашқадарё вилоятидаги мақбаралар асосан X-XII ва XIV-XVI асрларда бунёд этилган. Сурхондарё вилоятидаги ўрганилган мақбаралар асосан X-XII асрларда бунёд этилганлигини кўриш мумкин.

Водий ҳудудидаги мақбаралар бир ёки икки камерали тарҳда қурилган. Фарғона вилоятида XV-XVI асрларга мансуб Биби бувайда ва Пошшо пирим мақбаралари икки камерали тарҳда шаклланган. Кириш қисми пештоқ билан ажратилган. Пештоқларда гулдасталар ишланган.

⁵⁶ Маматмусаев Т.Ш. - “Ўзбекистон шаҳарлари тарихий марказларининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари” – 18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш. Меъморчилик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2017 й.

Наманган вилоятидаги XVII асрга мансуб Хожамнинг қабри мақбараси бир хонали бўлиб, ушбу мақбаранинг пештоқ қисми жимжимадор бўртма нақшлар қилиб безатилган. “Ўнбир Аҳмад зиёратгоҳи Наманган шаҳрида жойлашган бўлиб, ҳудуди 0,59 гектар. 1991 йилда Ўнбир Аҳмадга бағишлаб янги мақбара барпо этилган. Зиёратгоҳ ҳудудига кириш Янгиариқ канали тарафдан. Бино мурабба тарҳга эга. Кириш эшиги битта бўлиб, жануби-ғарбий тарафда. Гумбаз билан ёпилган. Мақбара пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, Сомонийлар мақбараси кўринишини эслатади. Бино бурчакларида айланасимон буржлар ишланган. Тарзларнинг юқори қисмида равоқлар қатори жойлашган бўлиб, уларнинг сони ҳар бир тарафда еттитани ташкил этади”⁵⁷.

